

## **ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА МЕҲМОНХОНАЛАР АРХИТЕКТУРА МУҲИТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.**

*арх.ф.н. Расул-Заде Л. У., ДИЗ-20 гурӯҳ магистранти*

**A. Зияева**

*Тошкент архитектура-қурилии институти*

*arch.f.n. Rasul-Zade L. U., DIZ-20 group master*

**A. Ziyaeva**

*Tashkent Institute of Architecture and Construction*

### **Аннотация.**

Уибӯ мақола иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура муҳитини шакллантириши тамойиллари шаҳарсозлик, иқлимий ва ижтимоий-иктисодий шароитлари учун инновацион фаoliyatning нафақат меҳмонхоналар архитектурасига, балки умуман архитектурага ҳам таъсирини аниқ талқин қилиши пайдо бўладиган ташкилий-технologik вазиятлар ва уларни эътиборга олган ҳолда таклиф қилинадиган ечимларни танлашга қаратилган.

**Калим сўзлар:** меҳмонхона, туризм, меҳмондўстлик, ривожланиши тенденциялари, иқлим, статистик маълумотлар, туристик ресурслар, туристик обьектлар.

Туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини (кейинги ўринларда — меҳмонхоналар) қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, Республикада меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019-йил 5-январдаги ПФ-5611-сон Фармони эълон қилинди. Бунинг натижасида турли ҳудудларда янги меҳмонхоналар ҳамда туристик обьектлар қурилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Жумладан, ушбу дастурда 2018–2020 йилларда давлат-хусусий шериклик шартларида 100 та, 2021–2022 йилларда эса 178 та обьектни барпо этиш таклиф етилмоқда. Қурилиш вазирлиги уларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқади. Хусусан, 8–50 хонали Туркия меҳмонхоналари тажрибаси инобатга олинади. Намунавий лойиҳалар, лойиҳа-смета хужжатлари ва кўринишини ўзгартириш имкони берилган ҳолда инвесторларга бепул тақдим этилиши кўзда тутилган.

Қурилиш учун ер электрон аукционсиз, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси раҳбарлиги остидаги маҳсус Республика ишчи гурухининг қарори асосида ажратилади. Участкалар рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ергеодезкадастр давлат қўмитаси билан биргаликда белгилайдилар.

Туризмнинг ривожланиши меҳмонхоналар қурилиши билан узвий боғлиқдир. Жаҳон иқтисодий ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, меҳмонхоналарни қуриш ва улардан фойдаланиш ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Замонавий шароитда сайёхларга қулагилик даражаси, дам олиш, даволаниш, кўнгил очиш, маданий, ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида вақтинча бўлиш муҳитининг турлича талаблари тақдим этилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда меҳмонхоналар қурилиши биринчи навбатда туризм ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий эҳтиёж билан белгиланади.

Республикамиз худуди турли иқлим шароитларига ва табиий тузилиш жиҳатидан ҳам бири бирини тақрорламаслиги қурилиш соҳасида, архитектура муҳитини шакллантиришда ўз таъсирини ўтказади. Биргина Тошкент шахри мисолида оладиган бўлсак, туристлар оқими асосан баҳор фасли ўрталаридан бошлаб, куз фасли ўрталаригача давом этади. Бундан кўриниб турибдикি асосан тўлиқ жазирама ёз фаслини қамраб олади. Бу эса иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура муҳитини шакллантиришни талаб этади. "Иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура муҳитини шакллантириш тамойиллари (Ўзбекистон мисолида)" мавзусини танлаш меҳмонхоналарни лойиҳалашга дифференциал ёндашиш шартларини белгиловчи муаммони ўрганиш зарурати билан белгиланади ва меҳмонхона мажмуалари, уларнинг мақсадларига, туризм турига, сифимига, табиий-иқлим хусусиятларининг жойлашишига қараб лойиҳалашга катта эътибор қаратилади. Ҳозирда бу Ўзбекистондаги меҳмонхоналарни қуриш ва улардан фойдаланиш сифатини оширишнинг муҳим шартидир.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг замонавий даражада туризмни ташкил қилишдаги эҳтиёжларини қондириш учун талаб қилинадиган меҳмонхоналар қурилишининг муҳим режалаштирилган ҳажми ва уларнинг меъморий шаклланиши масалалари бўйича илмий асосланган тавсияларнинг йўқлиги ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кўйилган мақсадларга эришишда қўйидаги вазифаларни белгилаб оламиз:

1. Дунё туризмининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш;
2. Меҳмонхоналарни қуриш, лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш бўйича маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
3. Ўзбекистондаги меҳмонхоналар шаклланишига таъсир қилувчи омиллар комплексини ўрганиш;
4. Иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналарнинг дизайн хусусиятларини аниқлаш;
5. Ўзбекистонда меҳмонхоналарни шакллантириш тамойилларини ўрнатиш;
6. Замонавий талабларга мувофиқ меҳмонхоналарнинг дизайнни ва ишлашини янада такомиллаштириш йўлларини аниқлаш;

Ҳозирги кунда иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура муҳитини шакллантириш тамойилларига оид назарий ва амлий муаммоларни ҳал этиш борасидаги илмий янгиликлар қўйидагилардан иборат. Жумладан:

- Иссиқ иқлими бўлган минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларига энг мос келадиган меҳмонхона бинолари ва уларнинг мажмуалари учун ҳажмли режалаштириш йечимларини, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқсан ҳолда оптимал вариантлари таклиф этилади.

- Ўзбекистоннинг табиий-иқлим ресурсларининг ўзига хос хусусияти очиб берилади ва мамлакат худудини қуриш-иқлим раёнлаштириш таклиф қилинади;

- шаҳар таркибидаги меҳмонхоналарни шаҳарсозлик масалаларини ишлаб чиқилади;

- меҳмонхоналарнинг бош режаларини шакллантириш хусусиятлари аниқланади;

- тур яратувчи омиллар тизими, уларнинг иерархияси ва меҳмонхона бинолари ва иншоотлари учун оптимал ҳажмли режалаштириш йечимларини шакллантиришдаги аҳамияти очиб берилади;
- меҳмонхоналар ва меҳмонхона мажмуаларининг композицион тузилишини шакллантириш нақшлари ва уларнинг меъморий ва бадиий экспрессивигини оширувчи воситалар аниқланди.
- иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар меъморчилигини шакллантириш тамойилларига аниқлик киритилади.

Юртимиз олимлари томонидан ҳам меҳмонхоналар бўйича бир қанча мақолалар, адабиётлар ёзилган, асосан улар тарафидан меҳмонхона менежментига оид асарларни кўплаб учратишимиш мумкин. Ўзбекистонда шу мавзуда илмий изланишлар олиб борган олимлардан X. М. Убайдуллаев, Н. Ҳ. Худойберганова — Меҳмонхоналарни архитектуравий муаммолари ва йечимлари" ҳамда "Меҳмонхона биноларининг архитектуравий йечимида янги ғоялари" каби кўплаб илмий кўлёзмалар ва уларнинг қаторида А.Н. Холиколов, М.Розикбердийев, Ҳ.Пўлатов, М.И.Разикбердийев, О.С.Қосимов, А.Қ.Рахимова, Б.А.Сайдова, К.Т.Зайцев ва бошқа олимлар томонидан яратилган асарлар ҳам шулар жумласидандир.

Бироқ, Ўзбекистон шароитида меҳмонхоналар ва меҳмонхоналар мажмуаларининг дизайн хусусиятлари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмаган, уларнинг табиий меъморчилик ва қурилиш йечимлари ва лойиҳалаш усусларини иссиқ иқлим шароитида ўзига хос табиий ва иқлим зоналарига аниқликлар киритилмаган.

Магистрлик диссертациясида асосан иш услубияти илмий изланишларнинг кенг қамровли услубига, шу жумладан иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналарни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича анъанавий маҳаллий ва жаҳон тажрибасини таҳлил қилинади ҳамда асосланади;

- Ўзбекистондаги меҳмонхоналарнинг шаклланишига таъсир қилувчи барча омилларни аниқланади ва умумлаштирилади.

Тадқиқот иши давомида ўрганилган, пировардида шаклланган назарий ва амалий билимлар, иссиқ иқлим шароитида, иссиқ-куруқ ва иссиқ-нам иқлим шароитида меҳмонхона бинолари ва ҳудудий омилларни чукур ўрганиш, меҳмонхоналарнинг назарий жиҳатидан функционал модели ишлаб чиқишида меҳмонхоналарнинг конструктив ва меъморий ва бадиий ечимлари хусусиятлари ўрганишда, меҳмонхоналарнинг экспериментал лойиҳалари ишлаб чиқишига қаратилган таклиф ва тавсиялар келажакда иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура мухитини шакллантиришга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларида, "Лойиҳалаш асослари", "Архитектура ва шахарсозлик асослари" ва "Архитектура бионика" каби архитектура фанларни ўқитиш жараённида, илмий иш амалий натижаларидан иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар архитектура мухитини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлади.

Белгиланган принциплар асосида меҳмонхоналарнинг оқилона меъморий йечимлари таклиф этилишида, амалиётда меҳмонхоналарни лойиҳалаш жараёнларида, қулай шароит яратадиган ва замонавий талабларга максимал даражада жавоб берадиган ва режалаштиришга мўлжалланган ҳажмли режалаштириш йечимларини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишидан иборат.

Ўзбекистонда Туризм соҳаси ривожланиб бораётган бу даврда мамлакатимизда бу соҳадаги қилинаётган сай-ҳаракатлар ўз самарасини етарлича кўрсатмайапди. Чунки ҳали ҳанузгача ҳоҳ шаҳарсозлик нуқтаи-назардан, ҳоҳ туризм соҳасидан олиб қараганда Ўзбекистондаги иссиқ иқлим шароитида меҳмонхоналар бунёд этиш учун аниқ бир концепция ишлаб чиқилмаган. Шу бойисдан чет эл тажрибаларини пухта

ўрганган ҳолда ўзимизнинг тарихий шаҳарларимизда ҳам ана шу тажрибаларни қўллаш ва аниқ қоидага асосланган концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ётади.

Ушбу масалалар ўз ижобий ечимини топиши учун мамлакатимизда фаолият юритувчи шаҳарсозлар, меъморлар, ландшафт архитекторлари ва дизайннерлари, ободонлаштириш соҳасидаги мутасадди шахслар ва бутун жамоатчиликнинг саъи-ҳаракатини бирлаштириш лозим.

### **АДАБИЁТЛАР.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019-йил 5-январдаги ПФ-5611-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Мехмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 433-сон қарори, Тошкент шаҳри.
3. Z. Adilov, Z. Matniyazov The Proposals Of Landscape Solutions For Highways
4. Environment // International Journal Of Scientific & Technology Research (IJSTR)
5. ISSN 2277-8616 Volume 9, Issue 04, April 2020. -P. 3110-3114. (Scopus journal)
6. Ахмедов М. К. Некоторые вопросы градостроительного проектирования. // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. № 5-6, 2012 й. Стр. 28